

## Рисоладаги эр (давоми)



14:40 / 04.08.2019 3537

Агар эр муттасил бахиллик қилса, хотин унинг рухсатисиз ўзига керагини олса бўлади. Бир мисол:

Ҳинд исмли аёл Пайғамбар алайҳиссаломга эри Абу Суфёндан шикоят қилиб: «Эрим Абу Суфён бахил одам, менга ва боламга етарли нарса бермайди», – деганда, у зоти бобаракот: «Ўзингга ва болаларга етарлисини инсоф билан олавер», – деганлар.

Бунга Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида ҳам ибратли мисоллар бор.

Хотинга одоб-ахлоқ ўргатиш ҳам эрнинг муҳим вазифасидир. Агар хотиндан баъзи одобсизликлар ўтса, эр яхшилик билан тарбия қилади ва адаб чораларини қўллайди.





розияллоҳу анҳу: «Аёлларга нисбатан доимо шундай қилинглари! Аллоҳга қасамки, улар сизни зийнатланган ҳолда кўришни яхши кўрадилар. Сизлар ҳам аёлларингизни зийнатли ҳолда кўришни яхши кўрасизлар-ку?» – деганлар.

Албатта, зийнатнинг ҳам чегараси, меъёри бор, ундан чиқиб кетилса ҳам бўлмайди. Ясанишга ортиқча берилиш қалб иллатидандир.

Рисоладаги эр хотинни ҳеч вақт эътиборсиз қолдирмайди. Баъзилар ишга, ўзи қизиққан нарсаларга ҳаддан ташқари берилиб кетиб, аёлларини эсдан чиқариб қўядилар. Бу яхши эмас. Оилавий келишмовчиликларнинг аксари эр-хотинлик алоқалари жойида эмаслигидан келиб чиқишини ҳеч унутмаслик керак.

Кунларнинг бирида машҳур саҳобий Салмон Форсий розияллоҳу анҳу ўз биродари Абу Дардо розияллоҳу анҳунинг қошига борсалар, уй эгасининг хотини – Умму Дардони ўзига қарамаган, паришон ҳолда кўрибди. Аёлдан: «Сенга нима бўлди?» – деб сўрабди. Аёл: «Дўстинг Абу Дардонинг дунё билан иши йўқ», – деб жавоб берибди. Абу Дардо келиб, дўстини меҳмон қилмоқ мақсадида олдига таом қўйибди-да:

«Марҳамат қил! Мен нафл рўза тутганман», – дебди. Шунда Салмон:

«Ўзинг емагунингча мен ҳам емайман», – деб бош тортибди. Абу Дардо рўзасини очишга мажбур бўлибди. У кечаси туриб, нафл намоз ўқимоқчи бўлган экан, Салмон:

«Ёт, ухла», – дебди. Анча вақт ўтгандан кейин яна намозга турмоқчи бўлган экан, яна «Ёт, ухла», деган буйруқни эшитибди. Тун охирлаганда Салмон ўзи туриб, уй эгаси билан намозни адо қилибди-да:

«Албатта, сенда Роббингнинг ҳаққи бор, ўз нафсингнинг ҳам ҳаққи бор, аҳлу аёлингнинг ҳам ҳаққи бор, ҳар бир ҳақ эгасининг ҳаққини адо этгин», – дебди.

Абу Дардо Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига бориб, бўлган гапни айтиб берганда, У киши:

«Салмон тўғри айтибди», – деган эканлар.

Хотинига бўлган муҳаббатни сездириш учун эр мулойим бўлиб, унинг сўзларига эътибор билан қулоқ осиб, ҳамфикр эканини изҳор қилиб турмоғи керак. Агар аёл киши овқат пиширган бўлса, янги кийим кийса,

бирор хабар ёки қиссани айтса, эр бу нарсаларга эътибор билан муносабатда бўлиб, ўз хурсандлигини, муносабатини баён қилиши даркор. Аёлига уй ишларида ёрдам бериб, бу соҳада ҳам унинг оғирини енгил қилиб туриши керак. Пайғамбар алайҳиссалом ҳам аҳллари хизматида бўлиб, уй супуриб, ўз кийимларини ямаб, қўйларни соққанлар ва умматларига ҳам шундай қилишни буюрганлар.

Рисоладаги эр хотинига лутф билан муомала қилиб, уни энг чиройли исмлар билан чақиради ва камчиликларини кечиради.

Ишончим комилки, мен зикр қилган нарсаларда жамиятимиз ва инсонлар учун зарарли нарсалар мутлақо йўқ. Аксинча, уларнинг ҳаммаси фойдалидир. Буларнинг барчаси тажрибадан ўтган бўлиб, доимо яхшиликка, оилавий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Биз оиладаги эр кишининг вазифаларига қисмангина тўхталдик. Томчилардан дарё ҳосил бўлганидек, оилада қут-барака, яхшилик, мустаҳкам асос тўғри муомаладан туғилади.

Агар сиз азизларга маъқул бўлса, биз бу мавзуни давом эттириб, «Рисоладаги хотин», «Рисоладаги ота-она», «Рисоладаги фарзанд», «Рисоладаги оила» ва шу каби мавзуларда ҳам мақолалар ёзишни давом эттиришимиз мумкин.

Бу каби фикрлашувлардан халқимиз оз бўлса-да, маънавий манфаат топса, биз учун катта бахт бўлар эди.

**«Бахтиёр оила» китобидан**